

Дилдора Сафарова,

ЖДПИ ўқитувчиси

Эрнест Хемингуэй ва ўзбек адабиёти

Адабиёт - бу инсоннинг маънавий дунёсининг бойлиги; унга бефарқ бўлишнинг иложи йўқ. Бироқ таржима адабиётнинг бир бўлаги сифатида ижодий меҳнат маҳсули бўлиб, миллий аҳамиятга эга. Шунинг учун давлатимиз адабиётнинг ушбу соҳасини ва умуман адабий танқидни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб келмоқда.

60-70-йилларда ўзбек таржимачилик ишлари янги босқичга кўтарилди ҳамда географик жиҳатдан янада кенг жабаҳаларни эгаллади. адабиётга кўплаб истеъдодли ёш таржимонлар кириб келишди. Ўзбек адабиёти истеъдодли сўз усталари томонидан яратилган асарлар билан бойитилди ва улар инсониятнинг маънавий бойлигига айланди. Ўзбек адабиётининг дунё халқлари адабиёти билан ўзаро алоқаси янада мустаҳкамланиб, умуминсоний маънавий ривожланишга ҳисса қўшиш имконияти ортиб борди. Таржимонларнинг истеъдоди ва маҳорати туфайли ўзбек китобхонлари қадимги давр адабий дурдоналари, Уйғониш даври ва XX аср жаҳон адабиёти вакиллари асарларини ўз она тилларида ўқий бошладилар. Шу билан бирга, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ўқувчилари ўзбек халқининг буюк ёзувчи ва шоирлари ижодидан баҳра олдилар.

60-йилларда ўзбек адабиётида инсон камолоти тасвирлари биринчи ўринга чиқди ва шу сабабли буюк америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг "Чол ва денгиз" романи ўзбек тилида пайдо бўлиши бежиз эмас. Ушбу роман инсоннинг бардошлилиги ва жасоратига бағишланган. Мазкур асар учун ёзувчига 1954 йил Халқаро Нобель мукофотининг берилиши бежиз эмас эди. Шу нуқтаи назардан, романининг ўзбек тилида пайдо бўлиши ўз даврининг

талаби бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Асар 1963 йилда И. Гафуров таржимасида нашр этилган эди.

1970-йилларда ер юзининг кўплаб жойларида уруш алангасини ёқувчи турли гуруҳлар пайдо бўлди. Бунга жавобан, адабиёт урушга қарши руҳдаги асарлар таржимасига кўпроқ эътибор қаратди. Ўзбек таржимонлари ҳам ўз навбатида дунёда тинчлик ва адолат учун курашадиган адабиётни тарғиб қилишга катта ҳисса қўшдилар. Айнан 1973 йилда И. Гафуров Э. Хемингуэйнинг "Алвидо, қурол!" романини ўзбек тилига таржима қилган бўлиб, муаллифнинг урушга қарши ғазабли норозилиги тўлиқ акс этган.

Маълумки, ўтган асрнинг 80 йиллари бошларида инглиз тилидан тўғридан-тўғри таржималар йўқ бўлиб, биргина, 1972 йилда нашр этилган, америкалик тараққий парвар ёзувчиларнинг "Олтин пирог" номли ҳикоялар тўплами А.Иминов томонидан аслиятдан ўгирилган эди. Ўзбек ўқувчилари чет эл ёзувчилари асарлари билан билвосита рус тили орқали танишган. Шу жумладан, Э. Хемингуэйнинг "Чол ва денгиз" ҳикояси ҳамда "Алвидо, қурол!" романи ҳам инглиз тилидан рус тилига ўгирилган таржима матнидан ўзбек тилига таржима қилинган.

1982 йилларда ўзбек совет таржимашунослигида шеърый таржима муаммоларига бағишланган кўплаб тадқиқот ишлари мавжуд бўлиб, унинг назарий асослари яратилган эди (Ж.Шарипов, М.Расулий ва б.). Бироқ насрий таржима муаммолари бўйича тадқиқотлар жуда кам эди. Т.Драйзер, Ж.Лондон, М.Твен, Ф.Купер, Э.Хемингуэй каби буюк америкалик ёзувчилар асарлари таржималари аллақачон ўзбек ўқувчиси томонидан севиб мутоала қилинаётган ва шу билан бирга жиддий илмий ўрганишни талаб қилар эди.

Ўтган аср ўзбек адабиётида ўқувчиларни юқорида номлари келтирилган сўз усталарининг ижоди билан таништирадиган ва уларга ушбу ёзувчилар томонидан илгари сурилган инсонпарварлик ғояларини етказиб берадиган бирон бир йирик илмий асар ҳам йўқ эди. Бундай тадқиқотлар рус адабиётшунослигида яратилган бўлиб, россиялик ҳемингуэшуносларнинг

тадқиқотлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Россиялик ҳемингуэшунослар ёзувчи асарларининг рус тилидаги таржималарини пухта таҳлил қилиб, ёзувчининг гуманистик ғояларининг буюклигини, истеъдод ва юксак бадиий савиясини очиқ беришди.

Ўзбек адабий танқидида буюк адибнинг образларни яратишдаги ижодий маҳорати, уларнинг ўзбек тилидаги қайта жонлантириш асослари кўриб чиқилган тадқиқотлар хали яратилмаганди.

Биз ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида ўз келажак тадқиқотимизда Э.Хемингуэй асарлари таржималарини таҳлил қилишга ният қилдик; ёзувчининг характерларни яратишдаги маҳорати, эстетик қарашларини ҳамда асарларининг ғоявий йўналишларини таҳлилларимизга асос қилиб олдик.

Э.Хемингуэй асарлари юксак даражадаги инсонпарварлик ғоялари билан суғорилганлиги билан ажралиб туради. Ёзувчи асар қаҳрамонининг характерида мужассамлашган руҳият ва хатти-ҳаракатлари ривожланишининг назик тадқиқотчисидир. Ва шу ерда алоҳида таъкидлаш жоизки, асар қаҳрамонлари характерини, уларнинг руҳий ҳолатини қайта яратиш жуда кўп жиҳатдан таржимон куллаган таржима принципларига боғлиқ бўлади. Таржимашуносликда иккита ёндашув бор. Баъзи олимлар таржимага лингвистик жиҳатдан, бошқалари эса адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндошиш керак деб ҳисоблайдилар. Биз кўриб чиқилаётган муаммоларни умуфилологик тамойиллар асосида тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз. Бадиий асарни таҳлил қилар эканмиз, таниқли адабиётшунос М.Кошчановнинг "... адабиётшуноснинг кузатиш ва тадқиқ қилиш предмети, аввало, асар қаҳрамонлари характерини муаммолари ва уни кашф этиш бўлиши керак", - деган сўзларини ёдда тутишимиз керак. Дарҳақиқат, Э.Хемингуэй қаҳрамонлари характерлари, асарларининг ғоявий ва эстетик жиҳатлари таржимада қай даражада қайта тикланганлигини билмай туриб, кўйилган муаммони тўғри ҳал қилиш мушкулдир.

Америка адабиётини ўрганиш, хусусан, инглиз тилидаги адабиётларнинг таржималари бўйича республикада бир қатор мақолалар ёзилган. Бу борада, Ж. Бурунов, С. Азнаурова, Қ.Мусаев, М. Сулаймонов, Д. Гуломова ва бошқа қатор таржимашуносларнинг илмий мақолаларини келтириш мумкин.

Э.Хемингуэй асарларининг ўзбекча таржималари таҳлил қилишда биз Хемингуэй асарларидаги қахрамонлар портрети, нутқ маданияти ва стилистик воситаларнинг берилишини тадқиқотимизнинг объекти қилиб олдик.

Илмий ишимизнинг янгилиги шундан иборатки, унда: а) америкалик ёзувчи ижодининг услубий хусусиятлари ва уларни воситачи тилга ўтказиш усуллари мослигига риоя қилинади; б) тадқиқотда, умуман инглиз тилидан, ҳамда, хусусан, Э. Хемингуэй асарлари таржимасида асар "руҳи", унинг эмоционал қатламини ўгиришга алоҳида эътибор берилади; в) ёзувчининг баён услуби ўрганилади; д) ўзбек тилининг услубий ва грамматик меъёрларига қатъий риоя қилинганлик даражалари тадқиқ этилади; е) воситачи тилдан тўлиқ халос бўлиш ва халқнинг бадиий диди даражасини ҳисобга олиш каби таржиманинг муҳим тамойилларига ҳам эътибор қаратилган.

Шунингдек тадқиқотимизда Э. Хемингуэйнинг ғоявий-эстетик қарашлари, ёзувчилик маҳорати очиб берилади, унинг характер яратиш тамойиллари ва уларнинг таржимада сақланганлик даражаси қиёсланади, ва адиб асарларида кўзга ташланувчи "телеграф" ва "айсберг" услуби яратувчиси сифатида тадқиқ қилинади, ўзбек тилига ўгиришда мазкур услубнинг сақланиш даражаси таҳлил қилинади. Таржималар жараёнида бу ҳолатларни қайта тиклашда моҳир таржимон И.Ғафуровнинг маҳорати очиб берилади.

Э.Хемингуэй асарларининг таржималарини таҳлил қилишда замонавий таржимашуносликнинг сўнги ютуқларига асосланиб, И. Кашкин, И. Левий,

К. Чуковский, В. Росселс, Г. Р. Гачечиладзе, Ж. И. Рецкер, М.М.Мартчян, Ж.Шарипов, М.Расули, З.С.Азнаурова, Г.Салямов, Н.В.Владимирова, Ж.Буранов ва бошқа таниқли олимларнинг асарларига таянамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Baker C. Hemingway: The writer as artist.— 4-th ed.— New York: Princeton univ. press, 1973.— XX, 438 p.;

2.Shaw S. Ernest Hemingway. — New York: Ungar, 1975. — 136 p.;

3.Young Ph. Ernest Hemingway. — University Park: The Pennsylvania state univ. press, 1966.— 297 p.

4. Саидов.А. Иброҳим Ғафуров – бадианависларнинг орифи, орифларнинг комили. – Тошкент, 2017. 111 бет.